# ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИГА МУҲИМ ҲИССА

**Энергетика соҳаси динамик тузилма бўлиб, республикамиздаги амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга уйғун тарзда ривожланмоқда. Соҳани реконструкциялаш изчил олиб борилмоқда.**

2001 йилда мамлакатимиз Президентининг "Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисида"ги Фармонига асосан "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси" ва мустақил электр энергетикасида назорат бўйича "Ўздавэнергоназорат" инспекциясининг ташкил этилиши соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг янги босқичига асос солди.

2004 йил 800 МВт қувватга эга бўлган Толлимаржон электр станциясининг ишга туширилиши Ўзбекистон энергетикларининг соҳани изчил ислоҳот қилиш борасидаги муҳим ютуқларидан бири бўлди.

"Ўздавэнергоназорат" инспекцияси электр энергетика соҳасидаги меъёрий қоидаларига риоя этилишини назорат қилувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва унинг асосий вазифалари электр ва иссиқлик энергиясининг оқилона ва самарали ишлаб чиқарилиши, узатилиши, истеъмол қилиниши ва кўмирдан фойдаланишда хавфсизликнинг таъминланишига йўналтирилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қилиш, зарур меъёрий ҳужжатлар ва қоидаларни ишлаб чиқиш, текширишлар ва экспертизалар ўтказиш бўйича фаолиятни лицензиялашдан иборат.

Инспекциянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва республикамизнинг барча вилоятларида ҳудудий бўлимлари бўлиб, соҳага оид ҳужжатларнинг бажарилиши ва энергетика тизимидаги ислоҳотларнинг амалга оширилишини таъминлаш борасида ўз фаолиятини юритиб келмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун ишончли энергетика базаси яратилиб, бу борада мустақилликка эришилди.

Эндиликда Ўзбекистон энергетика тизими барча жабҳада, аҳолининг ҳам электр ва иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёжини тўла-тўкис таъминлаб, иқтисодиётни янада ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

**Д.АББАСОВ,**
**Ш.АҲМЕДОВ,**
**"Ўздавэнергоназорат" инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспекторлари**

**Пойтахтимизда 1-3 март кунлари III Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси бўлиб ўтади. Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ҳамда технологик ишланмалар яратиш ва уларни саноат ишлаб чиқаришига жорий этишни рағбатлантиришдан иборат.**

# ЯРМАРКА ОЧИЛИШИГА ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори инновациялар ярмаркаси имкониятларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришнинг технологик даражасини янада ошириш, ички ва ташқи бозорга рақобатбардош ва сифатли инновация маҳсулотлари чиқаришни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Инновациялар ярмаркаси «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма мажмуи павильонларида ўтказилади ва бу ерда бошқа ташкилотлар билан биргаликда ушбу катта форумга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма мажмуи очиқ акциядорлик жамияти бош директорининг биринчи ўринбосари Ойбек Мирбобоев ЎзА мухбирига инновациялар ярмаркасига тайёргарлик ишлари қандай амалга оширилаётгани ҳақида сўзлаб берди:

— Инновациялар ярмаркасини ўтказиш бўйича мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи томонидан тегишли тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, бизга қатор ташкилий ишларни бажариш топширилган, — дейди О.Мирбобоев. — Бугун форум қатнашчиларини кўргазма павильонларида жойлаштириш схемаси тайёрланди. Имтиёзли тарифлар бўйича тақдим этиладиган экспозиция майдони саноат, ахборот технологиялари, илм-фан ва таълим, фармацевтика, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича тақсимланган, шунингдек, ахборот ва сервис маркази ҳам шу ерда жойлаштирилади.

Электр таъминоти, ёритиш, павильонлар ва конференция залларини, шунингдек, ярмарка давомида фаолият кўрсатадиган матбуот марказини шамоллатиш тизимларининг техник ҳолати текширилмоқда. Уч кун давомида маслаҳат маркази мунтазам фаолият кўрсатади ва унда банклар, суғурта компаниялари ва Патент идорасидан вакиллар тегишли тушунтириш ҳамда тавсиялар беради.

Бу йилги ярмаркада 120 дан ортиқ компания қатнашади ва улар қарийб 500 истиқболли ишланма ҳамда лойиҳаларни намойиш этади. Бу борада белгиланган дастурдан экспозицияни томоша қилишдан ташқари ярмарка қатнашчилари иштирокида мавзуга оид турли семинарлар, тақдимот маросимлари, давра суҳбатлари ўтказиш, шартномалар тузиш ва уларни ҳисобга олишни ташкил этиш, форум якунларини сарҳисоб қилиш тадбирлари ўрин олган.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ХАРИДОРГИРЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

**Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг харидоргирлигини таъминлашда унинг кўриниши ва дизайнига, қадоқланиши ва ўралишига қаратилган эътиборнинг ҳам муҳим аҳамияти бор.**

Албатта, бу истеъмолчини жалб этиши баробарида талабини ҳам қондиради. Бугунги кунда эса ички бозорни ана шундай юксак дизайнли рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлаб, иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётган субъектлар сафи кенгайиб бормоқда. «TINOS» масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай корхоналар сирасига киради. Бу ерда замонавий технологияларни қўллаш натижасида янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

Жамоа бугунги бозор иқтисодиёти шароитида талаб ва таклифлар асосида иш юритиб, янги лойиҳаларни амалга оширмоқдаки, бу борада уларга замонавий технологик линиялар қўл келмоқда. Энг муҳими эса маркетинг ишлари ривожига эътибор, ички ҳамда ташқи бозорни ўрганиш, хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликда иш юритиш, уларнинг тажрибасини ўрганишдир.

Корхонада турли хил мебель маҳсулотлари тайёрланиб, асосий эътибор керакли қурилиш ашёси — эшик ишлаб чиқаришга қаратилган. Ҳозирги кунда эшикларнинг тури 30 хилдан ортиқни ташкил этмоқда, ҳажми, ранги, дизайни буюртмачи талабига қараб тайёрлаб берилади. Мебелсозларнинг изланишлари самара бериб, эндиликда ошхона ҳамда болалар учун мебель маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Айни пайтда имкониятлардан самарали фойдаланаётган мебелсозлар вилоятларда ҳам ўз фаолиятини кенгайтириб, ҳудудлардаги харидорлар талабини қондиришни ният қилишган. Албатта, янги иш ўринлари ёшларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, цехларни модернизация қилиш, технологик жиҳозлаш ишлари ҳам амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, бунинг учун Туркиядан энг замонавий дастгоҳ ҳамда ускуналар келтириш режалаштирилмоқда.

# МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН

**Маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланиб тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг баробарида четдан келтирилаётган маҳсулотлар ўрнини босаётган бундай керакли товарлар бирмунча арзонлиги билан ажралиб туради.**

«Асбобсоз» очиқ акциядорлик жамиятида ҳам маҳаллий хом ашё асосида бугунги кунга келиб 30 хилдан зиёд маҳсулот турлари тайёрланмоқда. Улар орасида автобуслар учун эҳтиёт қисмлар, электр ҳисоблагичларнинг штамплари, мактаблардаги физика ва кимё хоналари учун кўргазмали ўқув қуроллари ва бошқа кўплаб маҳсулотлар мавжуд. Бундай маҳсулотлар буюртма асосида мамлакатимизда 20 дан зиёд корхоналарга етказиб берилмоқда. Буюртмачилар орасида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзфармсаноат» давлат концерни, Олмалиқ тоғ-кон-металлургия комбинати сингари йирик корхоналарни алоҳида таъкидлаш жоизки, уларнинг талаб ва таклифлари асосида буюртмалар тез ҳамда соз бажариб берилаяпти.

Корхонада Самарқанд автомобиль заводи буюртмасига кўра автобуслар учун эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Жорий йилда ҳам изланишлар давом эттирилиб, янги-янги маҳсулот турларини яратиш ва буюртмачилар сафини кенгайтириш режалаштирилган.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

# ОММАВИЙ СПОРТ МУСОБАҚАСИ

**«Миробод» болалар спорт мажмуасида 1993-1994 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида қўл тўпи мусобақалари ўтказилди.**

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурига асосан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳам ёш авлодни жисмонан соғлом, руҳан тетик ва ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишишига кўмаклашиш мақсадида кўплаб спорт мусобақаларини ташкил этмоқда. "Миробод" БСМда ўтказилган спорт тадбири ҳам ана шундай амалий ишларнинг бир ифодаси десак янглишмаймиз.

Халқ таълими туман бўлими ҳамда "Камолот" ЁИҲ ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада 30 нафар ўғил ва 40 дан ортиқ қизлар иштирок этди. Қўл тўпи баҳсларида саккизта жамоа ўзаро беллашди. Бу каби ўтказилаётган мусобақаларда қизларнинг тобора фаол қатнашиши қувонарли ҳол. Катта ҳаёт остонасида турган қизларнинг жисмонан етук бўлиши албатта келажакда туғиладиган фарзандларнинг ҳам соғлом бўлишида муҳим ҳисобланади.

— Мусобақа жуда ажойиб ўтди. Айниқса спорт мажмуасига яқин маҳаллалардан кўплаб ўқувчиларнинг иштирок этиши тадбирнинг янада кенг ўтишига туртки бўлди, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Миробод туман етакчи ходими Баҳодир Баҳромов. — Мақсад эса ёшларни спорт мусобақаларига оммавий жалб этиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил эт[...], соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдир.

Тадбир сўнгида ўқувчи[...]а ҳомийлар томонидан фахрий ёрлиқ ҳамда эсда[...] совғалари тақдим этилди.

**Акбар ЖИЯНОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

Таълим масканларида

# КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

**Чилонзор туманидаги 201-мактабда 1-Республика тиббиёт коллежи, Тошкент технология ва сервис, транспорт, миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежлари ҳамкорлигида «Келажак бугундан бошланади» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**



— Диёримизга баҳор фасли ҳам эшик қоқиб кириб келмоқда, — дейди Миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи директори Шуҳрат Иноятов. — Қуёш тафти заминимизга илиқлик таратаётган бир пайтда, ўқув муассасаларида давра суҳбатлари ва учрашувлар янада кўпроқ бўлиб ўтмоқда. Ҳар бир тадбир замирида ёш авлоднинг келажаги, у танлаётган соҳа ёки касбга бўлган қизиқиш, иқтидорига қараб уларни тўғри йўлга йўналтириш ишлари қамраб олинган. Очиқ эшиклар куни доирасида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга тўлиқ жавоб олдилар. Коллежлардан келган вакиллар ҳар бир ўқувчининг истеъдоди, интилиши ва қизиқишини инобатга олган ҳолда тўғри йўналиш беришга ҳаракат қилди. Асосийси, ёш авлод қалбига қулоқ тутиш, унинг келажагига бирдай масъул бўлиш, қўллаб-қувватлаш биз, устоз-ўқитувчиларнинг асосий вазифаларимиздан биридир. Мамлакатимизда ёшлар келажаги йўлида кенг кўламли самарали ишлар олиб борилмоқда. Зеро, ёшлар келгусида юртимизнинг ҳар томонлама тараққий этишида асосий куч ҳисобланади.

Айни кунларда мактабларда ўтказилаётган учрашувларнинг асосий мақсади ўқувчиларни касбга йўналтириш, уларнинг ҳаётда тўғри йўл танлашида амалий ёрдам беришдан иборатдир.



**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА:** тадбирдан лавҳалар.

**«Истеъдод» жамғармаси қошидаги Масофали ўқитиш марказида «Ёшларда раҳбарлик маҳорати» мавзуида ўқув курслари ташкил этилди.**

# БЎЛАЖАК РАҲБАРЛАР ЎҚУВИ

"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда "Истеъдод" жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган машғулотларда "Камолот" ЁИҲ фаоллари, талабалар кенгаши раисларига олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши мутахассислари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ходимлари сабоқ берди.

Ўқув курси талабалар турар жойларида истиқомат қилаётган ёшларнинг ўзини-ўзи бошқариш фаолиятини жонлантириш, уларда ташаббускорлик ва раҳбарлик маҳоратини шакллантириш, иқтидорини намойиш қилишига имконият яратишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Талабаларнинг олган билимлари шаҳарчадаги маънавий-маърифий ишларни юқори савияда ташкил этишда кўмак беради.

Ўқув курсларда ёш раҳбарнинг ҳужжатлар билан ишлаши, жамоа аъзоларига ҳурмати ва эътибори, иш фаолиятидаги талабчанлиги тўғрисида маълумот берилди.

Икки ҳафта давомида тингловчилар Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузаси, "Юксак маънавият — енгилмас куч", "Адабиётга эътибор — келажакка, маънавиятга эътибор" рисолаларининг мазмун-моҳияти, уларда белгилаб берилган вазифа ва илгари сурилган ғоялар ҳақида тушунчага эга бўлишди.

— Ўқув курсида учинчи марта иштирок этаяпман, — дейди "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоли Фарида Бегбўтаева. — Ўқувларнинг ҳар бир куни ёш раҳбарларнинг маҳоратини оширишга қаратилган долзарб мавзуга бағишланди. Машғулотларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш ва юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини мустаҳкамлаш борасида қилинаётган амалий ишлар хусусида атрофлича маълумотлар берилди.

**Азима ҚИЁСОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

Соғлом она — соғлом бола

# АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗАЛАШ ЙЎЛИДА

**Аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидандир.**

Пойтахтимизда ташкил этилган аёллар онкологик хасталикларини даволаш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбатида бу борада амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама этилди. Тадбир "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси, "Ҳаёт учун" аёллар ҳамжамияти, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Давра суҳбатида тегишли вазирлик ва идоралар, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя тизими раҳбарлари, олимлар, шифокор ва мутахассислар, экспертлар, хотин-қизлар жамоат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А.Икромов, Республика гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти директори Ҳ.Каримов, Республика онкология илмий маркази раҳбари С.Наврўзов ва бошқалар давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида барча жабҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш, оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлашнинг изчил, узлуксиз модели яратилганини таъкидладилар.

Юртимизда соғлом оилани шакллантириш, ўсмир қизлар, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялашга йўналтирилган кўплаб давлат дастурлари, қарор ва фармонлар ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда. Уларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун республикада ҳомиладор аёллар ва чақалоқларнинг туғма ва бошқа патологияларини барвақт аниқлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Барча ҳудудларда замонавий тиббиёт масканлари, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, диспансерлар, ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари барпо этилиб, замонавий жиҳоз ва ускуналар, даволаш воситалари билан таъминланмоқда. Аҳолига тиббий-генетик ёрдам кўрсатиш, бўлғуси оналар ва чақалоқларни текширувдан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу йўналишдаги эзгу ишларда аёлларда учраши эҳтимоли бўлган саратон хасталикларига қарши курашиш, унга барвақт, аниқ ва тўғри ташхис қўйиш, зарур даволаш ва профилактика чора-тадбирларини кўриш муҳим аҳамият касб этади. Зотан, соғлом аёлгина соғлом фарзандни дунёга келтиради.

«Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аёлларда учрайдиган саратон касалликларининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Жамоат бирлашмаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида аёллар малакали тиббий кўрикдан ўтказилгани, зарур дори-дармон, тиббий препаратлар билан таъминлангани, онкологик диспансерлар, мазкур йўналишдаги даволаш марказлари зарур жиҳоз ва ускуналар билан таъминланиб, моддий-техник базасининг мустаҳкамланаётгани бунинг далилидир.

Айни пайтда бу йўналишда аёллар онкологик хасталикларининг олдини олиш ва барвақт ташхис қўйиш, даволаш ҳамда ушбу касаллик аниқланган беморларни реабилитация қилишга оид дастур муҳим аҳамият касб этади. Турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, тиббиёт муассасалари, доришунослик компаниялари ҳамкорлигида амалга оширилаётган ушбу дастур аёллар саратон хасталигига оид долзарб масалага ихтисослаштирилган ва ижтимоий йўналтирилган ёндашувни кўзда тутади.

Давра суҳбатида аёллар саратон хасталикларини бартараф этишда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш, уни давр руҳига мос тарзда ташкил этиш ва мунтазам мувофиқлаштириб бориш юзасидан фикр алмашилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

